

**МИКРОТҮЛҚИНЛИ ВА КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ҚУРИТИШ
ҚУРИЛМАСИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ТАХЛИЛ ҚИЛИШ
ЖАРАЁНИДА ТИЗИМЛИ ФИКРЛАШ.**

Рахматов Фирдавс Орифжон ўғли

Гулистан давлат университети катта ўқитувчиси (PhD),

Холбўтаева Маржона Шукурилло қизи

Гулистан давлат университети талабаси

Аннотация: Тизимли фикрлаши методологияси ва материалларни қуритиш жараёнини кўп босқичли моделлаштириши усуллари асосида микротүлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмасининг иши жараёнини кўп босқичли моделлаштириши усули ишлаб чиқилди ва ривожлантирилди.

Калит сўз: микротүлқинли печ, муҳандислик технологияси, эксплуатация, моделлаштириши, MATLAB дастури.

Математик тавсифларни қайта ишлаш асосида олинган микротүлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмасининг компьютер модели, ушбу қурилманинг квази-аппаратлари субпроцессларини хисоблаш блокларидан ташкил топган ҳолда расмийлаштирилди.

Биз микротүлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмаси бўйича тизимли фикрлашга асосланган масалаларни кўриб чиқдик. Тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш ва мақбул ечим усулларини аниқладик.

Муҳандислик технологияси - бу кўплаб қурилмалар ва улар орасидаги технологик алоқалардан ташкил топган ўзига хос тизимдир. Эксплуатация ва ишлаб чиқаришни бошқариш тизими самарадорлик мезонлари, таннарх ва сифат нуқтаи назаридан талабга мос маҳсулот олиш ва ишлаб чиқаришнинг максимал даражадаги экологик хавфсизлигини таъминлаши керак.

Мураккаб муҳандислик-технологик жараёнлар ва технологик тизимларни ўрганиш бўйича замонавий илмий услубларнинг хусусияти, тизимли фикрлашга асосланган жараёнларни тавсифловчи ва ўрганилаётган тизимлар ҳолатининг ўзгаришини башорат қилаоладиган математик моделларни яратишидир.

Моделлаштириш - бу техник тараққиётни тезлаштириш ва янги жараёнларни ўзлаштириш вақтини қисқартиришнинг асосий усулларидан биридир. Улардан, математик моделлаштириш - бу компьютер ёрдамида жараён ёки ҳодисаларни математик моделларда ўрганиш усулидир.

Технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш Excel, MATLAB ва бошқа дастурий таъминот пакетларига киритилиб, ишлаб чиқилган самарали математик усулларга асосланган.

Саноатда қовунни қуритиш жараёнини амалга оширишда бир қатор муҳим камчиликларга эга бўлган усуллар, асосан, табиий усул, конвектив, иссиқхона, қуёш ва электр энергияси асосида ишлайдиган юқори ҳароратли қуритиш

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

камералари қўлланилади: катта ўлчам ва металл сарфи, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш мураккаблиги, иссиқлик ва энергия харажатларининг катталиги, якуний маҳсулотдаги биологик фаол моддаларнинг сақлаб қолишининг минимал даражаси ва бошқалар.

Тадқиқотни ўтказиш учун биз сувсизланиш ва қовунларни қуритишда мақбул кўрсаткичларини аниқлаш жараёнини амалга ошириш имконини берувчи экспериментал микротўлқинли ёки комбинациялашган қуритиш қурилмасини тайёрладик.

Биз тизимли фикрлашга асосланган микротўлқинли қуритиш қурилмасини кўриб чиқдик ва таҳлил қилдик. Микротўлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмаси учун тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш ва мақбул ечимларни топиш усуllibарини тавсия этдик.

Умуман олганда, тизимли фикрлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, микротўлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмаси тизимининг синтезида келтирилган усул бўйича қўйидаги кетма-кетлиқда амалга оширилади:

Биринчи босқич (тизимли фикрлаш ва таҳлил)

- дастлаб элемент (жисм - тизим) ва жараённи ўз ичига олган обьект: микротўлқинли ёки комбинациялашган қуритиш қурилмаси ўрганилади. Тизимга, жараёнга ва энергияга талаблар шакллантирилади;
- тизимнинг ва ўрганилаётган жараённинг кириш ва чиқиш пара-метрлари аниқланади.

Иккинчи босқич (Кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш)

Микротўлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмаси кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш. Бунинг учун тизимда тадқиқотлар чуқурлаштирилиши керак, шунда элеменлар - қуий тизимлар аниқланади.

Учинчи босқич (мақбул ечимни танлаш)

Тизимли таҳлил асосида микротўлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмаси талаблари аниқланади ва белгиланади. Бирламчи тизим учун ҳам, ҳар бир иерархик даражадаги қуий тизимлар учун ҳам оптималлаштириш мезонлари танланади. Мақбул ечимни топиш усули танланади. Мақбул ечим белгиланади.

Тизимли фикрлаш асосида микротўлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмаси жараёнлари математик ва компьютер моделлаштириш методикаси ишлаб чиқилган;

У ҳар бир квази-аппаратлардаги жараёнлар бўйича математик моделлар, хусусан, дастлаб тузилган компьютер моделида ҳам, материалнинг ҳарорати ўзгариши, иссиқлик энергиясининг узатилишидаги ўзгаришлар, қаттиқ ва газли фаза ўртасидаги ўзаро мувозанат ҳолатининг ўзгариши ва масса алмашинуви туфайли буғланган сув массасининг ўзгаришини ўз ичига олади.

Блок принципи бўйича компьютер моделлари блокларини кетма-кет бирлаштириб, умумий компьютер модели тузилади. Компьютер ва физик моделдаги тажрибалар ёрдамида компьютер моделининг масса узатиш коэффициенти ва иссиқлик узатиш коэффициенти мутаносиблигига тузатишлар киритилди.

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

Шунга асосланиб, ушбу қурилмани оптималлаштиришга ва гелио конвекцияли қуритиш қурилмасидаги бутун жараёнларни автоматлаштиришга доир бир қанча усулларини тавсия этиш мумкин.

Тизимли фикрлаш ёрдамида микротүлқинли ёки комбинациялашган қуритиш қурилмаси таҳлил қилинди. Микротүлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмаси учун кўп босқичли таҳлил усулидан фойдаланиш ундаги воқеъликни чуқур кўриб чиқиш имконини беради. Бундай фикрлаш асосида математик ва компьютер моделлаштириш методологияси ишлаб чиқилган бўлиб, унда ҳар бир квази-аппаратдаги жараёнлар учун босқичма-босқич математик моделлар ишлаб чиқилган.

Биринчи иерархик даражада материални қуритиш жараёнини ўз ичига олган тизим шаклидаги микротүлқинли ёки комбинациялашган қуритиш қурилмаси кўриб чиқилади, тизимнинг кириш ва чиқиш кўрсаткичлари аниқланади.

Иккинчи иерархик босқичда эса, микротүлқинли ёки комбинациялашган қуритиш қурилмасининг қиздириш моддаларини етказиб берадиган элементлардан - сувдан, ишчи майдон ва агентларни айриш жойларидан иборат еканлиги ҳисобга олинади. Кўрсаткичлари – ҳар бир қуий тизимнинг кириш ва чиқиш кўрсаткичлари аниқланади.

Учинчи иерархик даражада, микротүлқинли ва комбинациялашган қуритиш қурилмасининг узун иш жойини кўп квази-аппаратли дея аташ мумкин. Кўп босқичли тизимли таҳлил ўлароқ, 8 таглик квази-аппаратга бўлинадиган қурилма кўриб чиқди. Кўрсаткичлар - квази-аппаратнинг ҳар бир қуий тизимидағи кириш ва чиқиш кўрсаткичлари аниқланади.

Тўртинчи иерархик даражада ҳар бир квази-аппаратни қуидагича, ҳар бир таглиг квази-аппаратлардан, материални ва ҳавони қиздириш трубаси квази-аппаратларидан иборат, дея тасаввур қилиш мумкин. Кўрсаткичлар - ҳар бир қуий тизимнинг кириш ва чиқиш кўрсаткичлари аниқланади.

Бешинчи иерархик даражада, ўз навбатида, материални элементларга бўлиш мумкин - квази-аппаратлар, бу қисмлар ёки зарралар. Ҳар бир элемент - квази-аппарат (бўлаклар ёки зарралар) квази-қатламлардан иборат. Кўрсаткичлар - ҳар бир қуий тизимнинг кириш ва чиқиш кўрсаткичлари аниқланади.

Хулоса

Куритилаётган маҳсулотнинг қуритиш хусусиятларини тавсифлаш учун бир вақтнинг ўзида иссиқлик ва масса ўтказиш жараёнларини тавсифловчи математик модел таклиф этилади. Математик модел вақт нуқтаи назаридан озиқ-овқат материалининг қуритиш тезлигини, ҳарорати ва намлигини тақсимлашни етарлича тўғри тахмин қиласи. Қовунни қуритиш назарияси ва амалиётининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида уларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тенденциялари аниқланди, бу эса инновацион ғояларни илгари суришга имкон берди. Қовун маҳсулотларини қуритишнинг энг самарали усулларидан бири бу микротүлқинли ва комбинациялашган қурилмада хом ашёни сувсизлантиришdir

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Rakhmatov, O., Rakhmatov, F., Kurbanov, E., Rakhmatullaev, R., Kasimov, A., & Musayeva, N. (2023). The methodological foundations of the thermal efficiency in a convective drying unit of the chamber type. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 390, p. 04041). EDP Sciences.
2. Raxmatov, F. O., Raxmatov, O., Nuriev, K. K., & Nuriev, M. K. (2021, October). Combined dryer with high efficiency for drying high-moist agricultural products. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 868, No. 1, p. 012076). IOP Publishing.
3. Рахматов, Ф. О., & Рахматов, О. (2023). МЕТОДИКА ОПРЕДЕЛЕНИЯ ТЕПЛОВОГО БАЛАНСА И АЭРОДИНАМИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ СУШИЛЬНОЙ УСТАНОВКИ. *Journal of Agriculture & Horticulture*, 3(6), 90-94.
4. Nuriev, K. K., Nuriev, M. K., Rakhmatov, O., & Rakhmatov, F. O. (2022, August). Comprehensive assessment of the degree of flooding of soil-cutting working bodies (on the example of plow shares). In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1076, No. 1, p. 012069). IOP Publishing.
5. Рахматов, О., Рахматов, О. О., & Рахматов, Ф. О. (2018). Совершенствование технологии переработки дынь в условиях республики Узбекистан. *Ташкент:«Фан.*
6. Рахматов, Ф. О., & Нуриев, К. К. (2022). ИССЛЕДОВАНИЕ ПЛОДОВ ДЫНИ КАК ОБЪЕКТА ТЕХНИЧЕСКОЙ ПЕРЕРАБОТКИ. *ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ, 330.*
7. Рахматов, О. О., Рахматов, Ф. О., Тухтамишев, С., & Равшанов, Ж. Н. (2017). ПРОИЗВОДСТВО ВЫСОКОКАЛОРИЙНЫХ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ ИЗ УЗБЕКСКИХ СОРТОВ ДЫНЬ. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 1312-1316).

